

Рўзани очиб юборувчи замонавий омиллар

بسم الله الرحمن الرحيم

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан

الحمد لله والصلاة والسلام على من لا نبي بعده ...

أما بعد :

Аллоҳга ҳамд ва сўнгидан пайғамбар келмайдиган зотга дуо ва саломлар бўлсин.

Аммо баъд:

أجمع العلماء على أربعة أشياء من المفسدات :

- 1- الأكل .
- 2- الشرب .
- 3- الجماع .
- 4- الحيض والنفاس .

Олимлар рўзани қуйидаги тўрт нарса очиб юборишлигига ижмоъ¹ қилганлар:

¹ Ижмоъ – шаръий манбаълардан бири ҳисобланиб, у Қуръони карим ва суннати набавийалардан кейинги учинчи манбаъ саналади. Ижмоъ деб бир вақтнинг ўзида ўша давр фақиҳлари бирор бир масалада ўзаро бир хил қарор қабул қилишларига айтилади ва бу икки хил бўлади. 1. ижмоъ сариҳий (очик-ойдин ижмоъ) бўлиб, бир масала устида тўпланган олимларнинг барчалари ушбу масала устидан қабул қилинган фатвони барчалари ўз сўзлари билан ифода этадилар ва уларнинг барчаларининг фикрлари бир хил бўлади. 2. ижмоъ сукутий (сукутли ижмоъ) бўлиб, бунда баъзи фақиҳлар келтирган далилларга қолганлари сукут сақлаш билан ўз розилиқларини билдирадилар.

1. емоқ
2. ичмоқ
3. жинсий алоқа
4. ҳайз ва нифос

والمراد بـ " المفطرات المعاصرة " : مفسدات الصيام التي استجدت وهي كثيرة :

"рўзани очиб юборувчи замонавий омиллар" дейилганда эса, янги пайдо бўлган нарсалар тушунилиб, улар қуйидагилардир:

المفطر الأول : بخاخ الربو :

***Биринчи омил: нафас қисиишига қарши
пуркалувчи дори:***

وهو عبارة عن علبة فيها دواء سائل ، وهذا الدواء يحتوي على ثلاث عناصر : الماء ، والأكسجين ، وبعض المستحضرات الطبية .

Мазкур дори суюқ бўлиб, уч унсурдан таркиб топган: сув, кислород ва баъзи тиббий моддалар.

وهذا البخاخ هل يُفطرُّ أو لا ؟

Ушбу дори рўзани очадими йўқми?

اختلف فيه المعاصرون :

Янги аср олимлари бу борада турлича фикр юритадилар:

1- أنه لا يفطر ولا يفسد الصوم ، وهو قول الجمهور و فتوى

اللجنة الدائمة للإفتاء . واستدلوا :

1. У рўзани очмайди. Бу кўпчилик олимларнинг сўзлари ҳамда доимий фатво қўмитасининг фатвосидир.

أ- بأن الصائم له أن يتمضمض ويستنشق ، وهذا بالإجماع ،

وإذا تمضمض سيبقى شيء من أثر الماء مع بلع الريق سيدخل المعدة ؛

A) чунки, рўзадор учун оғиз ва бурун чайқаш мумкин ва бунга барча ижмоъ қилган. Маълумки, оғиз чайқашдан сўнг маълум миқдордаги сув оғизда қолиб кетади ва мазкур сув қолдиғи сўлакни ютиш орқали ошқозонга кириб боради.

ب- والداخل من بخاخ الربو إلى المريء ثم إلى المعدة هذا قليل

جداً ، فيقاس على الماء المتبقي بعد المضمضة .

Б) ҳудди шу каби нафасни қисишга қарши пуркагичдан сепилган дори ҳам аввал ўпка сўнг ошқозонга етиб боради ва бу жуда ҳам оз миқдорни ташкил этади. Шунга кўра уни ҳам оғиз чайқалгандан сўнг қолиб кетган сувга қиёсланади.

ووجه ذلك أن العبوة الصغيرة تشتمل 10مليتر من الدواء السائل ؛ وهذه

الكمية وُضعت لمائتي بخة ، فالبخة الواحدة تستغرق نصف عشر مليتر

، وهذا يسير جداً .

Бунга сабаб, бир кичик пуркагич ичида 10 мл. суюқлик бўлиб, у 200 марта сепишга мўлжалланган бўлади. Бир марта сепилганда эса, 0.05 мл. суюқлик ажраб чиқади ва бу жуда ҳам оз миқдорни ташкил этади.

ت- وأيضاً : أن دخول شيء على المعدة من بخاخ الربو ليس

أمرأً قطعياً بل مشكوك فيه ؛ الأصل بقاء الصوم وصحته ، واليقين لا

يزول بالشك

В) мазкур пуркагичдан сепилган дорининг ошқозонга етиб бориши аниқ эмас балки унда гумон бор.

Шунга кўра рўза бузилмайди чунки фикҳий қоидага кўра, аниқ бор нарса гумон билан йўқ бўлмайди

ج- أن هذا لا يشبه الأكل والشرب فيشبهه سحب الدم للتحليل والإبر غير المغذية .

Г) бу ейиш ва ичишга кирмайди балки таҳлил учун қон олиш ёки қувват бермайдиган укол олишга ўхшайди

د- أن الأطباء ذكروا أن السواك يحتوي على ثمان مواد كيميائية وهو جائز للصائم مطلقاً على الراجح ولا شك أنه سينزل شيء من هذا السواك إلى المعدة ، فنزول السائل الدوائي كنزول أثر السواك .

Д) табиблар мисвокда саккиз хил кимёвий моддалар мавжудлигини баён қилганлар. Ҳол буки рўзадорга мисвок ишлатиш мутлақ яъни кундузи ҳам жоиздир ва шаксиз мисвокдаги кимёвий моддалар ошқозонга етиб боради. Демак, пуркагичдан сепилган дори мисвокдан ажраб чиққан моддалар каби рўзага зарар бермайди.

الرأي الثاني : أنه لا يجوز للصائم أن يتناوله ، وإن احتاج إلى ذلك فإنه يتناوله ويقضى .

Иккинчи фикрга кўра: рўзадор мазкур дорини истеъмол этиши мумкин эмас. Агар ўзига бошқа чора тополмаса, ушбу дорини сепади ва кейинчалик соғайиб кетганидан кейин бир кунига бир кундан қазо тутиб беради.

واستدلوا : أن محتوى البخاخ يصل إلى المعدة عن طريق الفم ، وحينئذ يكون مفطراً .

Мазкур фикр эгаларининг далиллари: ушбу пуркагич ичидаги суюқлик ошқозонга оғиз орқали кириб боради ва бу рўзани очади.

والجواب : أنه إذا سُلمَ بنزوله فإن النازل شيء قليل جداً يُلحق بما ذكرنا من أثر المضمضة ، فالراجع الأول .

Иккинчи фикрга қарши жавоб: агар мазкур суюқликни ошқозонга етиб боришига таслим бўлинсада, ушбу миқдор юқорида таъкидлаганимиз каби жуда ҳам камдир ва унинг ҳукми оғиз чайқалгандан кейин қолиб кетган сувники билан бир хил бўлади.

Шунга кўра, биринчи фикрни олимлар иккинчисидан устун қўйганлар ва рўзани очилмаслигига ҳукм қилганлар.

المفطر الثاني : الأقراص التي توضع تحت اللسان :

Иккинчи омил: тил остига ташланувчи таблеткалар:

والمراد بها : أقراص توضع تحت اللسان لعلاج بعض الأزمات القلبية ، وهي تُمتص مباشرة ويحملها الدم إلى القلب فتتوقف الأزمة المفاجئة التي أصابت القلب .

Яъни: юрак хуружини даволаш учун тил остига ташланувчи таблеткалар бўлиб, улар дарҳол сўрилиб кетади ва қон орқали юракка етиб боради натижада пайдо бўлган юрак хуружи тўхтайтиди.

حكما : هي جائزة لأنه لا يدخل منها شيء إلى الجوف بل تُمتص في الفم ، وعلى هذا فليست مفطرة .

Ушбу таблеткаларнинг ҳукми: рўздор учун уларни истеъмол қилиш жоиз, чунки улардан бирор нарса ҳам қорин бўшлиғига етиб бормади балки оғизнинг ўзида сўрилиб кетади ва шунга кўра улар рўзани очувчи эмасдирлар.

المفطر الثالث : منظار المعدة :

Учинчи омил: ошқозонни кўрувчи тиббий кўзгу:

وهو عبارة عن جهاز طبي يدخل عن طريق الفم إلى البلعوم ثم إلى المريء ثم إلى المعدة .

У тиббий жиҳоз бўлиб, оғиз орқали аввал ҳалқум сўнг ўпка сўнг ошқозонга киради.

والفائدة منه : أنه يَصوِّر ما في المعدة من قرحة أو استئصال بعض أجزاء المعدة لفحصها أو غير ذلك من الأمور الطبية .

Ундан кўзланган фоида: мазкур жиҳоз ошқозондаги ярани кўрсатади ёки у орқали ошқозоннинг баъзи бўлақларида жарроҳлик амалиётини ўтқазилади ва булардан бошқа тиббий мақсадларда истифода қилинади.

والعلماء السابقون تكلموا على مثل هذا :

Юқоридаги олимлар бу ҳақида шундай деганлар:

في مسألة : ما إذا دخل شيئاً إلى جوفه غير مغذ كحصاة أو قطعة حديدية ونحو ذلك ، والمنظار مثل هذا ؛ فهل يُفطر ؟

Фикҳий масалалар баёнида: рўзадорнинг қорин бўшлиғига озуқадан бўлак нарсалар масалан: майда тошлар ёки темир бўлаклари ва шу каби нарсалар кирса ва тиббий кўзгу ҳам шулар жумласидандир рўзани очиб юборадими?

جمهور أهل العلم : أن هذا يفطر ، فكل ما يصل إلى الجوف يفطر ؛
إلا أن الحنفية : اشترطوا أن يستقر هذا الذي يدخل الجوف حتى يفطر ،
والبقية لم يشترطوا .

Илм аҳлининг кўпчилик қисмига кўра: бу нарса рўзани очиб юборди. Яъни қорин бўшлиғига кирган ҳар бир нарса рўзани очади лекин ҳанафий мазҳабида қорин бўшлиғига кирган нарса у ерда ўрнашиб қолсагина рўзани очади деб шарт қилганлар, қолган мазҳаб вакиллари эса, бундай шарт қўймаганлар. Яъни ҳанафий мазҳабига кўра, бир нарсани ипга боғлаб сўнг уни ошқозонга туширса ва бир оздан сўнг уни қайтариб олса рўзаси очилмайди.

واستدلوا : أن النبي صلعم أمر بإتقاء الكحل .

Юқоридаги олимларнинг далиллари: Пайғамбар с.а.в. рўзадорга сурма кўйишдан сақланишни буюрдилар.

وعلى هذا يكون المنظار رأي الجمهور أنه يفطر ، وعلى رأي الحنفية لا يفطر لأنه لا يستقر .

Шунга кўра, мазкур тиббий кўзгу кўпчилик фақиҳларнинг раъйларида рўзани очиб юборди. Ҳанафий мазҳабида эса, очмайди чунки у ошқозонда қолмай балки қайтиб чиқади.

الرأي الثاني : أنه لا يفطر بإدخال هذه الأشياء التي لا تغذي كما لو أدخل حديدية أو حصاة ، وهذا اختيار بعض الحنابلة و بعض المالكية.

Иккинчи фикрга кўра: бу каби озуқа бўлмайдиган нарсалар рўзани очмайди масалан темир ёки тош бўлакларини ютса рўзаси очилмайди. Бу баъзи ханбалий ва моликий мазҳаб вакиллари ихтиёр этган нарсадир.

لأن ذلك دلّ عليه الكتاب والسنة على أن المفطر ما كان مغذياً ، وأما حديث الكحل الذي أمر النبي صلعم بإتقائه فهو ضعيف ، وعليه فالظاهر أنه لا يفطر ،

Бунга сабаб, китоб (қуръон) ва суннатдаги далилларга биноан рўзани озуқа бўлувчи нарсалар очиб юборадилар. Юқоридаги сурмадан сақланиш ҳақидаги ҳадис эса заиф ҳадисдир. Шунга кўра, у яъни тиббий кўзгу рўзани очмайди.

ولكن يستثنى من ذلك ما إذا وضع الطبيب على هذا المنظار مادة دهنية مغذية لكي يُسهّل دخول المنظار إلى المعدة فإنه يفطر .

Аммо мазкур кўзгуга унинг ошқозонга кириши осон бўлиши учун озуқавий ёғ суртилса у ҳолда ҳукм ўзгаради ва бу хилда ютилган тиббий кўзгу рўзани очади.

المفطر الرابع : القطرة التي تستخدم عن طريق الأنف هل هي مفطرة ؟
للعلماء المتأخرين قولان :

Тўртинчи омил: бурунга томизилувчи дорилар
Улар рўзани очадими? Кейинги давр олимлари бу борада икки хил фикр юритадилар.

القول الأول : أنها تفتقر واستدلوا : بحديث لقيط بن صبرة مرفوعاً " وبالغ في الاستنشاق إلا أن تكون صائماً " ،

Биринчи фикрга кўра: мазкур томизиш рўзани очади. Уларнинг далиллари: Лақит ибн Сабура зикр қилган ҳадисда пайғамбар с.а.в. унга "Ғусл қилаётганингда бурнинг ичига тўлиқ сув етказгин магар рўзадор бўлсанг ундай қилма яъни сувни қаттиқ тортма" деганлар.

فهذا دليل على أن الأنف منفذ إلى المعدة ، وإذا كان كذلك فاستخدام هذه القطرة نهى عنه النبي صلعم .

Демак, бу шуни кўрсатадики: бурун ошқозон учун бир йўл. Шунга кўра, бурунга сув томизишдан ҳам пайғамбар с.а.в. қайтарган ҳисобланадилар.

وأيضاً نهى النبي صلعم عن المبالغة في الاستنشاق يتضمن النهي عن إدخال أي شيء عن طريق الأنف ولو كان يسيراً لأن الداخل عن طريق المبالغة شيء يسير .

Яна пайғамбаримиз с.а.в. нинг бурунга сувни қаттиқ тортишдан қайтаришлари заминида бошқа ҳар қандай нарсанинг ҳам оз бўлсада бурунга киргазишдан манъ этилганига далолат ётади. Чунки, бурунга сувни қаттиқ тортилганда кирган сув миқдори ҳам озни ташкил этади.

القول الثاني : أنها لا تفتقر ، واستدلوا : بما تقدم من القياس على ما تبقى من المضمضة ، والقطرة يصل منها شيء يسير إلى المعدة .

Иккинчи фикр эгалари эса: мазкур томизиш рўзани очмайди дейдилар. Уларнинг далиллари: юқорида оғиз чайқалгандан кейин қолган сувга қиёсан

бурунга томизилган томчидан ошқозонга етиб борадигани ҳам жуда оз миқдорни ташкил этади.

فالقطرة الواحدة = 0.06 من السنتمتر الواحد المكعب .

Чунки, бир томчи сув= 0.06 см. кубга тенгдир.

ثم ستدخل هذه القطرة إلى الأنف ولن يصل إلى المعدة إلا شيء يسير فيكون معفواً عنه .

Мазкур томчи бурунга кирар экан ундан ўтиб ошқозонга етиб бориши қийин ва боргани ҳам оз миқдорни ташкил қилади. Шунинг учун мазкур миқдорни афв қилинади.

وكذلك أن الأصل صحة الصيام وكونه يفطر بهذا فهذا أمر مشكوك فيه ؛ والأصل بقاء الصيام واليقين لا يزول بالشك .

Шунингдек, асл қоида рўзанинг дурустлигидир. Унинг бу йўл билан очилиши эса, шак-шубҳалидир. Асл қоида эса, рўзани дуруст ҳолда қолиши чунки аниқ нарса гумон билан йўқ бўлмайди.

وكلا هذين الرأيين لهما قوة .

Ушбу ҳар иккала фикр ҳам қувватда тенгдирлар.

المفطر الخامس : بخاخ الأنف :

Бешинчи омил: бурунга пуркалувчи дори:

البحث فيه كالبحت في بخاخ الربو : فيكون بخاخ الأنف لا يفطر .

Бу борадаги баҳс ҳам юқорида оғизга пуркалувчи доридаги каби бўлиб, бурунга пуркалувчи дори ҳам рўзани очмайди.

المفطر السادس : التخدير :

Олтинчи омил: Бехуш қилиш (анестезия)

وتحتة أنواع :

الأول : التخدير الجزئي عن طريق الأنف :

У бир неча турга бўлинади:

1. *бурун орқали жузъий яъни тўлиқ кун давомида эмас балки маълум бир соатларга қадар ва инсоннинг барча аъзоларини эмас балки маълум бир қисмини бехуш қилиш.*

وذلك بأن يشم المريض مادة غازية تؤثر على أعصابه فيحدث التخدير :
فهذا لا يفطر ، لأن المادة الغازية التي تدخل الأنف ليست جرماً ولا تحمل مواد مغذية .

Яъни бемор газли моддани хидлайди ва бу унинг асаб толаларига таъсир ўтқзади, натижада бехушлик содир бўлади. Бу эса, рўзани очмайди чунки, бурунга кираётган газли модда жисм эмас ҳамда озуқавий моддаларга ҳам эга эмасдир.

الثاني : التخدير الجزئي الصيني : نسبة إلى بلاد الصين :

2. *Хитойликларга хос бўлган жузъий бехуш қилиш:*

يتم بإدخال إبر جافة إلى مراكز الإحساس تحت الجلد فتستحث نوعاً من الغدد على إفراز المورفين الطبيعي الذي يحتوي عليه الجسم ؛ وبذلك يفقد المريض القدرة على الإحساس .

Бу куруқ игнани тери остидаги сезги марказларига юбориш билан амалга оширилади. Натижада, мазкур игна ички секреция безларини кўзғотади ва улар жисм таркибида мавжуд табиий морфий моддасини ажратиб берадилар ва шу йўл билан бемор сезиш қудратини йўқотади.

وهذا لا يؤثر على الصيام ما دام أنه موضعي وليس كلياً ؛ ولعدم دخول المادة إلى الجوف.

Бу модомики баданнинг барчасини эмас балки маълум бир қисмини беҳуш қилса рўзани очмайди. Чунки, бу усул қўлланганда қорин бўшлиғига ҳеч қандай модда кириб бормади.

الثالث : التخدير الجزئي بالحقن :

3. *Эмлаш (шприц) орқали жузъий беҳуш қилиш:*

وذلك بحقن الوريد بعقار سريع المفعول ؛ بحيث يغطي على عقل المريض بثوانٍ معدودة .

فما دام أنه موضعي وليس كلياً فلا يفطر ؛ ولأنه لا يدخل إلى الجوف .

Бу тез таъсир қилувчи дорини шприц орқали қон томирга юбориш билан амалга ошади. Натижада, бемор санокли сонияларга оғриқни сезмай туради. Бу ҳам модомики жузъий бўлиб, қорин бўшлиғига етиб бормас экан рўзани очмайди.

الرابع : التخدير الكلي :

4: *Куллий яъни инсоннинг бутун танасини беҳуш қилиш.*

اختلف فيه العلماء : وقد تكلم فيه العلماء السابقون في مسألة المغمى عليه ؛ هل يصح صومه ؟ وهذا لا يخلو من أمرين :

Бу борада ҳам олимлар турлича фикрдадирлар. Қадимдаги олимлар беҳуш бўлган одамнинг рўзаси дуруст бўладими? Деган савол устида баҳс юритганлар ва бу икки ҳолатдан холи эмасдир.

الأول : أن يغمى عليه جميع النهار ؛ بحيث لا يُفَيِّق جزءاً من النهار :
فهذا لا يصح صومه عند جمهور العلماء .

1: рўзадорнинг кундузининг барча қисмида беҳуш бўлмоғи ва куннинг бирор бўлагиди ҳам ўзига келмаслиғи бўлиб, кўп қисм олимлар мазкур кимсанинг рўзаси дуруст деб ҳисобланмайди деганлар.

ودليله قوله صلعم في الحديث القدسي : " يدع طعامه وشهوته من أجلّي " فأضاف الإمساك إلى الصائم ؛ والمغمى عليه لا يصدق عليه ذلك .

Бунга далил: пайғамбар с.а.в. ҳадиси қудсий² да " Аллоҳ таоло деди: Одам боласининг барча қилган амаллари ўзи учундир магар рўза чунки у мен учундир ва мен унга лойиқ мукофотни ўзим бераман. Чунки, бандам кун давомида мен учун овқатланиш ва шахватини тарк қилаябди шунинг учун ҳам унинг мукофотини ўзим бераман деди" дедилар. Мазкур ҳадисда овқатланиш ва жинсий алоқадан тийилишни рўзадорга нисбат берилмоқда. Беҳуш кимсага нисбатан бу маъно тўғри келмайди. (яъни беҳуш кимса бу амалларни ўз ихтиёрича бажармади шунинг учун у рўза тутган деб ҳисобланмайди).

الثاني : أن لا يغمى عليه جميع النهار : فهذا موضع خلاف .

2: кун давомида эмас балки кундузининг маълум бир қисмида беҳуш бўлиш. Бу эса, айтилоф ўрнидир.

² Ҳадиси қудсий деб маъноси Аллоҳдан аммо лафзи пайғамбаримиздан бўлган ҳадисларга айтилади.

إذا أفاق جزءاً من النهار أن صيامه صحيح ، وهذا قول أحمد والشافعي .
وعند مالك : أن صيامه غير صحيح مطلقاً .

У кундузининг бир қисмида ўзига келса унинг рўзаси дурустдир. Бу Аҳмад ва Шофеийларнинг сўзларидир. Имом Моликга кўра: унинг рўзаси мутлақ дуруст эмас.

وعند أبي حنيفة : إذا أفاق قبل الزوال يجدد النية ويصح الصوم ، لأن نية الإمساك حصلت بجزء من النهار قبل الزوال ، ويُقال في التخدير مثل ذلك .

Абу Ҳанифа р.х. га кўра эса: беҳуш одам завол (пешин вақти киришидан сал олдин) ўзига келса қайтадан рўза тутишга ният қилади ва унинг мазкур рўзаси дуруст бўлади. Чунки, рўзага ният қилиш кундузининг заволдан олдинги қисмида пайдо бўлди. Шунга кўра, тиббий беҳуш қилишдаги ҳукм ҳам табиий беҳуш бўлишга қиёсланади ва ҳар иккисининг ҳукми бир хил бўлади.

المفطر السابع : قطرة الأذن :

Еттинчи омил: қулоққа дори томизиш:

والمراد بها : عبارة عن دهن " مستحضرات طبية " يصب في الأذن ؛
فهل يفطر أو لا ؟

Яъни: тиббий моддалардан иборат дорини қулоққа қуйилса, рўзани очадими йўқми?

تكلم عليه العلماء في السابق في مسألة " إذا داوى نفسه بماء صبه في أذنه " .

Мукаддам ўтган олимлар "рўздор кулоғига сув томизиб ўзини даволаши" ҳақидаги масалада баҳс юритганлар.

الجمهور : أنه يفطر .

Уларнинг кўплари: унинг рўзаси очилади деганлар.

الحنابلة : يفطر إذا وصل إلى الدماغ .

Ҳанбалий мазҳабида: кулоққа томизилган сув қачонки димоғга етиб борса рўзани очади дейилган.

الرأي الثاني : أنه لا يفطر ، وعلته : أن ما يقطر في الأذن لا يصل إلى الدماغ وإنما يصل بالمسام .

Иккинчи фикрга кўра: рўза очилмайди ва бунга сабаб: кулоққа томизилган нарса димоғга етиб бормайди, етиб борган тақдирда ҳам тўғридан тўғри эмас балки бадандаги тешиклар орқали боради.

والطب الحديث : بين أنه ليس بين الأذن والدماغ قناة يصل بها المائع إلا في حالة واحدة ؛ وهي ما إذا حصل خرق في طبلة الأذن ، وعلى هذا الصواب : أنها لا تفطر .

Замонавий тиббиётга кўра: кулоқ билан димоғ орасида суюқликни ўтқазиб юборувчи йўл йўқ. Фақат бир ҳолатдагина йўл бўлиши мумкин. Яъни кулоқ пардасида тешик пайдо бўлса, шу ҳолдагина кулоққа томизилган сув димоғга ўтиши мумкин. Шунга кўра, кулоқ пардаси бутун бўлган ҳолатда унга бирор дори томизишлик рўзани очмайди.

مسألة : إذا كان في طبلة الأذن خرق : فإنه حينئذ تكون المداواة من طريق الأذن ؛ حكمها حكم المداواة عن طريق الأنف ، وهذا تقدم .

Масала: кулоқ пардасида тешик бўлса, унга дори қуйишнинг ҳукми бурунга дори қуйишнинг ҳукми билан бир хил бўлади ва бу юқорида баён этилди.

المفطر الثامن : غسول الأذن :

Саққизинчи омил: қулоқни ювиш:

وهذا حكمه حكم قطرة الأذن : إلا أن العلماء قالوا: إذا خرقت طبلة الأذن فإنه ستكون الكمية الداخلة إلى الأذن كثيرة فتكون مفطرة.

Бунинг ҳукми ҳам қулоққа дори томизиш билан бир хилдир. Аммо олимлар қулоқ пардасида тешик бўлса ва уни ювилса қулоқ ичига киражак сув миқдори кўп бўлгани учун рўзани очиб юборади деганлар.

فإذا غسول الأذن ينقسم إلى قسمين :

1- إذا كانت الطبلة موجودة : فلا يفطر.

2- إذا كانت الطبلة فيها خرق : فإنه يفطر, لأن السائل

الداخل كثير.

Демак, қулоқни ювиш икки қисмга бўлинади:

1. парда мавжуд бўлса рўза очилмайди.
2. кулоқ пардасида тешиклар бўлса ичкарига кирган сув миқдори кўп бўлгани учун рўза очилади.

المفطر التاسع : قطرة العين :

Тўққизинчи омил: кўзга дори қуйиш:

فيه خلاف للمتأخرين وهو مبني على خلاف سابق , وهو ما يتعلق بالكحل هل هو مفطر أو ليس مفطراً ؟

Бу борада ҳам кейинги давр олимлари турлича фикр билдирадилар ва бу юқоридаги ихтилоф сабаблидир. Яъни кўзга сурма қўйиш масаласида у рўзани очадими йўқми?

الرأي الأول: أنه لا يفطر , وهو مذهب الحنفية والشافعية , ويستدلون بأنه لا منفذ بين العين والجوف , وإذا كان كذلك فإنه لا يفطر .

Биринчи фикрга кўра: рўза очилмайди ва бу ханафий ва шофеий мазҳабининг сўзидир. Бунга далил: кўз билан қорин бўшлиғи орасида йўл бўлмайди ва шунга асосан рўзадор кўзига сурма қўйса унинг рўзаси очилмайди.

الرأي الثاني: للمالكية والحنابلة : أن الكحل يفطر , وهذا بناءً على أن هناك منفذاً بين العين والجوف .

Иккинчи фикр эгалари: яъни моликий ва ҳанбалий мазҳабидагилар эса: сурма қўйиш рўзани очади дейдилар. Чунки уларга кўра: кўз билан қорин бўшлиғи орасида йўл мавжуддир.

وعليه اختلف المتأخرون في قطرة العين :

Шунга кўра, кейинги давр олимлари ҳам кўзга дори томизиш масаласида иккига бўлинадилар.

الرأي الأول : أن قطرة العين ليست مفطرة واستدلوا بأن قطرة العين الواحدة = 0.06 من السنتيمتر المكعب . وهذا المقدار لن يصل إلى المعدة , فإن هذه القطرة أثناء مرورها بالقناة الدمعية فإنها تمتص جميعا ولا تصل إلى البلعوم ,

Биринчи фикр: кўзга дори қўйиш рўзани очмайди ва бунга сабаб: бир томчи дори 1 см.кубдан =0.06га тенг бўлиб, бу миқдор ҳеч қачон ошқозонга етиб

бормайди. Чунки, бу дори томчиси кўз ёш йўлидан ўтиш пайтида бутунлай сўрилиб кетади ва томоққа етиб бормайди.

إذا قلنا أنه سيصل إلى المعدة شيء فهو يسير ، والشيء اليسير يعفى عنه ، كما يعفى عن الماء المتبقي بعد المضمضة ، وكذلك أن هذه القطرة ليس منصوصا عليها ولا في معنى المنصوص

Агар бордию уни ошқозонга етиб боради деб тасаввур қилсакда, мазкур етиб борган миқдор жуда озни ташкил қилади ва ушбу миқдорни афв этилади ва бу ҳудди оғиз чайқашдан сўнг қолган сув миқдорига қиёсланади. Шунингдек, кўзга дори томизишдан қайтарилган ҳеч қандай шаръий хужжат мавжуд эмас.

الرأي الثاني : أنها تفطر قياساً على الكحل .

Иккинчи фикрга кўра: у сурма каби рўзани очиб юборади.

والصواب : أنها لا تفطر ، وإن كان الطب أثبت أن هناك اتصالاً بين العين والجوف عن طريق الأنف ، لكن نقول أن هذه القطرة تمتص خلال مرورها بالقناة الدمعية ، فلا يصل إلى البلعوم منها شيء وحينئذ لا يصل إلى المعدة منها ، وإن وصل فإنه شيء يسير يعفى عنه كما يعفى عن الماء المتبقي بعد المضمضة .

Тўғри фикр эса: мазкур дори томизиш рўзани очмайди. Гарчи тиббиёт кўз билан қорин бўшлиғи орасида бурун орқали йўл мавжудлигини исбот қилган бўлсада, мазкур томчи кўз ёш йўлларида ўтаётган вақтида сўрилиб кетади ва натижада у томоққа ҳам етиб бормайди. Демак, ошқозонга асло

етиб бормайди гарчи етиб борганда ҳам жуда оз миқдордагиси боради ва ушбу миқдорни оғиз чайқашдан сўнг оғиз ичида қолиб кетган сув миқдориға қиёсан афв этилади.

وأما القياس على الكحل لا يصح :

Аммо ушбу томчини сурмага қиёслаш нотўғридир.

1- لأنه لم يثبت أنه يفطر والحديث الوارد ضعيف.

2- أنه قياس في محل خلاف.

3- ما تقدم من أدلة للرأي الأول.

1. чунки, сурма қўйиш рўзани очиши ҳақида шаръий далил мавжуд эмас. Юқорида бу борада келтирилган ҳадис эса, заиф ҳадисдир.

2. кўзга дори томизишни сурма қўйишга қиёслаш ҳали ҳукми собит бўлмаган балки ихтилофли бўлган нарсага қиёслашдир ва бу дуруст эмас.

3. юқорида баён этилган биринчи фикр эгаларининг далиллари сурма рўзани очмаслиги учун етарлидир.

المفطر العاشر: الحقن العلاجية:

Ўнинчи омил: тиббий эмлаш (инъекция)

وهذه تنقسم إلى :

1- حقن جلدية .

2- حقن عضلية .

3- حقن وريدية .

Бу қуйидаги қисмларга бўлинади:

1. тери остига инъекция қилиш (дори юбориш, укол қилиш).

2. мушакларга дори юбориш.

3. қон томирларга дори юбориш.

فأما الحقن الجلدية والعضلية غير المغذية : فلا تفطر عند المعاصرين , والدليل : أن الأصل صحة الصوم حتى يقوم دليل على فساده , وكذلك هي ليست أكلاً ولا شرباً ولا في معناهما .

أما الحقن الوريدية المغذية : فهي موضع خلاف :

Булар орасидан тери ва мушакларга инсонга қувват бермайдиган дориларни шприц орқали юбориш янги аср олимларига кўра рўзани очмайди. Бунга далил: асл қоида рўзани дурустлиги бўлиб, уни бузилиши учун далил керак. Шунингдек, мазкур эмлашлар ейиш-ичиш ёки уларнинг маъносидаги нарса яъни озуқа олиш ҳисобланмайди. Аммо, қон томирга инсонга қувват берувчи дориларни юбориш борасида олимлар орасида ихтилоф мавжуд.

الرأي الأول : أنها مفطرة : وهو قول مجمع الفقه الإسلامي , والدليل : أنها في معنى الأكل والشرب , فالذي يتناولها يستغني عن الأكل والشرب .

Биринчи фикр: мазкур қон томирга инсонга қувват берувчи дориларни юбориш рўзани очиб юборади. Бу Ислом Фикҳи Академиясининг қароридир. Бунга сабаб: ушбу дори еб-ичишни маъносида яъни озуқа олиш ҳисобланади чунки, шундай дорини қабул қилган шахс одатда овқатланишга эҳтиёж сезмайди.

الرأي الثاني : أنها لا تفطر , لأنه لا يصل منها شيء إلى الجوف من المنافذ المعتادة , وعلى فرض أنها تصل , فإنها تصل عن طريق المسام , وهذا ليس جوفاً ولا في حكم الجوف .

Иккинчи фикр: у рўзани очмайди. Чунки, ушбу дори одатдаги йўллар орқали қорин бўшлиғига кирмайди. Кирган тақдирда ҳам, теридаги тешиклар орқали боради ва бу қорин бўшлиғига кирмайди ва унинг ҳукмини ҳам олмайди.

والأقرب : أنها مفطرة : لأن العلة ليست الوصول إلى الجوف بل العلة حصول ما يغذي البدن , وهذا حاصل بهذه الإبر .

Ҳақиқатга яқин фикр: мазкур қон томирга эмлаш рўзани очади чунки рўзани очилишига олиб келувчи шаръий омил фақатгина қорин бўшлиғига бирор нарсани кириб бориши эмас, балки баданнинг озуқаланишидир ва бу игна йўли билан амалга оширилмоқда.

مسألة : الإبر التي يتعاطاها مريض السكر ليست مفطرة .

Масала: Қандли диабет касалига мубтало бўлган беморлар қабул қиладиган укол дорилар рўзани очмайди.

المفطر الحادي عشر : الدهانات والمراهم واللاصقات العلاجية :

Ўн биринчи омил: тери устига суртилувчи мой, крем ва малҳам дорилар:

الجلد في داخله أوعية دموية تقوم بامتصاص ما يوضع عليه عن طريق الشعيرات الدموية , وهذا امتصاص بطيء جداً .

Тери остида қон томирлари мавжуд бўлиб, улар тери устига суртилган нарсани тук йўллари орқали сўра бошлайди ва бу жараён жуда секин амалга ошади.

وعليه هل ما يوضع على الجلد يكون مفطراً ؟

Шунга кўра, тери устига суртилган нарса рўзани очадими?

تكلم عنها الجمهور وقالوا : أنها لا تفتقر , وهذا ما ذهب إليه مجمع
الفقه الإسلامي . بل حكى بعضهم إجماع المعاصرين على ذلك .

Қадимдаги аксарият фақиҳлар бу нарса рўзани очмайди деганлар. Ислом Фикҳи Академиясининг қарори ҳам шундай. Баъзилар бугунги кундаги барча янги аср олимлари мазкур ҳукмга яъни тери устига суртилган нарсалар рўзани очмаслигига ижмоъ қилганлар деб айтадилар.

المفطر الثاني عشر : قسطرة الشرايين :

**Ўн иккинчи омил: артерия-қон томирга
катетер қўйиш:**

وهي عبارة عن أنبوب دقيق يدخل في الشرايين لأجل العلاج أو التصوير

У қон томирга киргазилувчи ингичка шланка бўлиб, уни дори қўйиш ёки ичкарини кўриш мақсадида киргазилади.

ذهب مجمع الفقه الإسلامي أنها لا تفتقر : لأنها ليست أكلاً ولا شرباً ولا
في معناهما ولا يدخل المعدة .

Ислом Фикҳи Академияси мазкур катетер рўзани очмаслигига ҳукм қилган. Чунки, у инсонга ҳеч қандай озуқа бермайди ва иккинчидан ошқозонга етиб бормади.

المفطر الثالث عشر : الغسيل الكلوي :

وله طريقتان :

Ўн учинчи омил: буйракни ювиш: у икки хил йўл билан амалга оширилади:

الأولى : الغسيل بواسطة آلة تسمى " الكلية الصناعية " حيث يتم سحب الدم إلى هذا الجهاز , ويقوم الجهاز بتصفية الدم من المواد الضارة ثم يعود إلى الجسم عن طريق الوريد .

1. "Сунъий буйрак" деб номланувчи асбоб ёрдамида ювиш. Бу инсон танасидаги барча қонни мазкур асбобга тортиб олиб, сўнг ушбу қонни зарарли моддалардан тозаланади сўнг қонни қайтадан инсон жисмига вена қон томирлари орқали қайтарилади.

وفي أثناء هذه الحركة قد يحتاج إلى سوائل مغذية تعطى عن طريق الوريد .

Гоҳида мазкур жараён давомида қон томирлардан инсонга озуқа берувчи дориларни юбориб туришга мажбур бўлинади.

الثانية : عن طريق الغشاء البريتواني في البطن :

Иккинчи услуб: қорин пўсти орқали амалга оширилади:

وذلك بأن يدخل أنبوب صغير في جدار البطن فوق السرة , ثم يدخل عادة لتران من السوائل تحتوي على نسبة عالية من السكر الجلوكوز إلى داخل البطن , وتبقى في الجوف لفترة ثم تسحب مرة أخرى ويكرر هذا العمل عدة مرات في اليوم .

Яъни: киндик устидан қорин пўстига кичик катетер киргазилади сўнг қорин ичига одатда 2 литр миқдоридаги суюқлик қўйилади. Мазкур суюқлик

таркиби кўп миқдордаги қандли глюкозадан иборатдир. Юборилган суюқлик маълум муддат ўтгач, сўриб олинади ва бу амал бир кунда бир неча бор такрорланади.

واختلف المعاصرون فيه هل هو مفطر أم لا ؟

Янги давр олимлари бу борада ихтилофга борганлар. Яъни ушбу ҳолат рўзани очадими йўқми?

الرأي الأول : أنه مفطر , قال به فتوى اللجنة الدائمة .

وأدلتهم : أن غسيل الكلى يزود الدم بالدم النقي , وقد يزود بمادة غذائية أخرى , فاجتمع مفطران .

Биринчи фикр: бу ҳолат рўзани очади. Бу доимий фатво кўмитасининг фатвосидир. Уларнинг далиллари: буйракни ювиш инсон қонини кўшимча тоза қон билан кўпайтиради ва гоҳида унга бошқа озуқавий моддалар ҳам юборилади. Демак, бу ерда рўзани очишга боис бўлган икки омил бирлашмоқда.

الرأي الثاني : أنه لا يفطر . واستدلوا : بأن هذا ليس منصوصاً ولا في معنى المنصوص . والأقرب أنه يفطر .

Иккинчи фикр: бу ҳолат рўзани очмайди. Далил шуки: бу борада шаръий ҳужжат собит эмасдир.

Аммо, ҳақиқатга яқин фикр шуки ушбу ҳолат рўзани очади.

مسألة : لو حصل مجرد التنقية للدم فقط , فإنه لا يفطر لكن هذا الحاصل في غسيل الكلى إضافة بعض المواد الغذائية والأملاح , وغير ذلك .

Масала: қонни ўзини тозалаш рўзани очмайди лекин буйракни ювишда қонни филтрлаш билан бирга унга қўшимча тарзда тузлар ҳамда баъзи озуқа бўлувчи моддалар ҳам юборилади. Шунинг учун бу ҳолат рўзани очиб юборади.

المفطرالرابع عشر : التحاميل التي تستخدم عن طريق فرج المرأة :

**Ўн тўртинчи омил: аёл кишининг фаржи
орқали қуюлувчи воситалар:**

ومثله : الغسول المهيلي .

فهل تفتّر هذه الأشياء أو لا ؟

Масалан: бачадонни ювиш рўзани очадими?

تكلم عليها العلماء قديماً وحديثاً :

عند المالكية والحنابلة و بعض الحنفية : أن المرأة إذا قطرت في قبلها

مائعاً فإنها لا تفتّر . وعللوا : بأنه ليس هناك اتصال بين فرج المرأة

والجوف .

Олимлар қадим ва ҳозирги давримизда ҳам бу борада баҳс юритганлар:

Моликий ва ҳанбалий ҳамда ҳанафий олимларнинг баъзиларига кўра: аёл киши олди фаржидан суюқлик томизса рўзаси очилмайди. Чунки, аёл фаржи билан қорин бўшлиғи орасида боғлиқлик мавжуд эмас.

القول الثاني لبعض الحنفية والشافعية : أن المرأة تفتّر بذلك .

وعلتهم وجود اتصال بين المثانة والفرج .

Иккинчи фикр баъзи ҳанафий ва шофеийларга тегишли бўлиб, унга кўра: бу билан аёлнинг рўзаси

очилади. Улар ўз сўзларини қовуқ билан фарж орасида ўзаро боғлиқлик борлиги билан исботлайдилар.

والطب الحديث يقول : بأنه لا منفذ بين الجهاز التناسلي للمرأة وبين جوف المرأة , وعلى هذا لا تفطر بتلك الأشياء .

Замонавий тиббиёт аёл киши бачадони ва унинг қорин бўшлиғи орасида ҳеч қандай йўл йўқлигини исботлади. Шунга кўра, бачадонга қуйилган сув ёки дорилар рўзани очмайди.

المفطر الخامس عشر : التحاميل التي تؤخذ عن طريق الدبر :

Ўн бешинчи омил: орқа пешоб орқали амалга оширилувчи тиббий амалиётлар:

. وتستخدم لعدة أغراض طبية : لتخفيف الحرارة وتخفيف آلام البواسير .
ومثله : الحقن الشرجية .

Бу бир қанча тиббий мақсадларда амалга оширилади. Жумладан: ҳароратни пасайтириш, бавосир (геморрой) каби касалликларни даволаш ёки ҳуқна қилиш ва ҳоказолар.

أولاً : الحقن الشرجية : تكلم عليها العلماء في السابق :

الأئمة الأربعة : يرون أنها مفطرة لأنها تصل إلى الجوف .

Биринчи: орқа чиқиш йўлини ҳуқна (қлизма) қилиш: бу борада қадимдаги олимлар яъни тўрт мазҳаб раислари ҳуқна қилиш рўзани очиб юборади чунки, у қорин бўшлиғига кириб боради деганлар.

الرأي الثاني : للظاهرة واختيار بعض الحنابلة : أنها لا تفطر , لأن هذه الحقنة لا تغذي بأي وجه من الوجوه بل تستقرغ ما في البدن , كما لو شتم شيئاً من المسهلات. ولأن هذا المائع لا يصل إلى المعدة .

Иккинчи фикр эгалари Зоҳирийлар ва ханбалийларнинг баъзилари бўлиб, уларга кўра: бу ҳолат рўзани очмайди. Чунки, мазкур ҳуқна ҳеч қандай озуқа бермайди балки қориндаги бор нарсани ҳам олиб тушади ва бу дардни енгиллаштирувчи бирор нарсани хидлашга ўхшайди. Бундан ташқари мазкур суюқлик ошқозонга етиб бормайди.

وأما العلماء المتأخرون فبنوا خلافهم على الخلاف السابق .

وهل هناك اتصال بين فتحة الشرج والمعدة !؟

Кейинги давр олимлари ҳам бу борада юқоридаги ихтилофга асосан турлича фикрларга борганлар:

Орқа чиқиш билан ошқозон ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжудми?

من قال أنها تفطر يقول : هناك اتصال , ففتحة الدبر متصلة بالمستقيم , والمستقيم متصل بالقولون " الأمعاء الغليظة " وامتصاص الغذاء يتم عن طريق الأمعاء الدقيقة , وقد يكون عن طريق الأمعاء الغليظة امتصاص بعض الأملاح والسكريات .

Рўзани очади деганларга кўра: бу ерда орқа пешоб тўғри ичакка уланади ва тўғри ичак йўғон ичакка уланган бўлади. Овқатнинг сўрилиши эса, ингичка ичаклар орқали амалга ошади. Йўғон ичаклар орқали эса, баъзан туз ва қандли моддалар ҳам сўрилиши мумкин ва шунга кўра рўза очилади.

المفطر السادس عشر : المنظار الشرجي :

Ўн олтинчи омил: орқа пешоб кўзгуси:

الطبيب قد يدخل المنظار في فتحة الدبر ليكشف على الأمعاء ,
والتفصيل فيه نفس التفصيل في منظار المعدة .

Гоҳида табиб орқа пешоб йўлига тиббий кўзгу киргази ва бу орқали ичакларни текшириб кўради. Бу борадаги шаръий ҳукм ошқозонни текширувчи тиббий кўзгу билан бир хилдир. Яъни мазкур кўзгуни ўзини киргазиб чиқарилса, рўза очилмайди аммо унинг учига кириши осон бўлиши учун бирор ёғни суртиб кейин киргазилган бўлса, у ҳолда рўзани очиб юборади.

المفطر السابع عشر : ما يدخل في الجسم عبر مجرى الذكر من منظار

أو محلول أو دواء : فهل هذا مفطر !؟

Ўн еттинчи омил: инсон танасига эркакларнинг олди олатлари йўлидан кирадиган кўзгу, эритма ёки дорилар:

Ушбулар рўзани очадими?!

تكلم عنها العلماء في الزمن السابق :

الرأي الأول : مذهب الحنفية والمالكية والحنابلة :

أن التقطير في الإحليل لا يفطر , ولو وصل إلى المثانة .

واستدلوا : بأنه ليس هناك منفذ بين باطن الذكر و الجوف .

Қадимдаги олимларнинг бу борадаги фикрлари:

Биринчи фикр эгалари ҳанафий, моликий ва ханбалий мазҳаб имомлари бўлиб, уларга кўра: ихлил яъни закар учидан сув томизиш гарчи

қовуққача етиб борсада рўзани очмайди. Уларнинг далиллари: эркак зақари билан қорин бўшлиғи орасида йўл йўқ.

الرأي الثاني : وهو المصحح عند الشافعية : أنه يفطر ، لأن هناك منفذ بين المثانة والجوف.

Иккинчи фикр: бу шофеийларга тегишли бўлиб, унга кўра: рўза очилади чунки, қовуқ билан қорин бўшлиғи орасида йўл мавжуддир.

وفي الطب الحديث : لا علاقة بين المسالك البولية والجهاز الهضمي : وعليه لا يفطر .

Замонавий тиббиёт эса: сийдик йўллари билан ошқозон ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқлигини исботлади. Шунга кўра: бу ҳолат рўзани очмайди.

المفطر الثامن عشر : التبرع بالدم :

Ўн саккизинчи омил: қон бериш:

وهذا مبني على مسألة الحجة . قال البعض : أنها مفطرة . والجمهور و كذلك الأحناف : لا تقطر .

والراجح : أنها ليست بمفطرة . وعلى الاحوط لا يجوز للإنسان الصائم أن يتبرع بدمه إلا للضرورة .

Бу қон олдириш масаласи билан боғлиқ бўлиб, баъзилар қон олдириш рўзани очади деганлар. Аммо кўп қисм олимлар шунингдек, ҳанафий мазҳаби вакилларига кўра: қон олдириш рўзани очмайди. Аниқроқ фикр ҳам шудир. Бироқ эҳтиёт юзасидан рўзадор киши заруратдан бошқа пайт қон бермагани маъқул. Чунки одатда кўпинча қон берган одам

қувватсизланиб рўзасини очишга мажбур бўлиб қолиши мумкин.

المفطر التاسع عشر : ما يتعلق بأخذ شيء من الدم للتحليل :

هذا لا يفطر لأنه ليس في معنى الحجامة , فالحجامة تضعف البدن .

Ўн тўққизинчи омил: таҳлил учун қон олиш:

Бу рўзани очмайди чунки бу нарса қон олдиришга кирмайди. Бунга сабаб қон олдириш баданни заифлаштиради, таҳлил учун эса, кўп қон олинмайди.

المفطر العشرون : معجون الأسنان :

Йигирманчи омил: тиш пастаси:

لا يفطر لأن الفم في حكم الظاهر , لكن الأولى للصائم أن لا يستخدمه إلا بعد الإفطار , إذ نفوذه قوي , ويستغنى عن ذلك بالسواك , أو بالفرشة بلا معجون ، والله أعلم .

Тиш пастаси билан тиш ювиш рўзани очмайди чунки оғиз ташқи аъзолар ҳисобида бўлади. Бирок рўзадор тиш пастасини ифтордан сўнг ишлатгани маъқул чунки у кучли таъсирга эгадир. Рўзадор паста ўрнига мисвок ёки тиш шётканинг ўзи билан кифояланади.

Эслатма: юқорида баён қилинган фатволардан ҳар бир мазҳаб вакиллари ўзлари учун тегишли бўлганини олиб амал қилаверадилар аммо ҳақиқатни билиш Аллоҳгагина хосдир.

*Араб тилидан Абдувоҳид Муҳаммадазим ўгли
таржимаси
Тошкент Давлат Шарқшунослик институти
"Исломунослик" йўналиши магистранти.*

Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1. الاختيار لتعليل المختار. ابن مودود الموصلّي.
2. الدر المختار. علاء الدين الحصكفي.
3. تحفة الفقهاء. أحمد السمرقندي.
4. بدائع الصنائع في ترتيب الشرائع. علاء الدين الكاساني.
5. المفطرات المعاصرة. عيسى بن عبدالرحمن العتيبي
6. فتاوى الأزهر. الصيام و ما يؤثر فيه من عدمه.
7. فتاوى معاصرة.
8. فتاوى اللجنة الدائمة للبحوث العلمية والإفتاء
9. فتاوى قطاع الإفتاء بالكويت
10. فتاوى يسألونك
11. فتاوى الإسلام سؤال وجواب